

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

..... —> <—
**ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ РЕКТОРЛАРИ КЕНГАШИ**

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Олий Мажлисга Мурожаатномасини
ўрганиш ва кенг жамоатчилик
ўртасида тарғиб этишга
бағишланган**

**ИЛМИЙ-ОММАБОП
ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент - 2019

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ РЕКТОРЛАРИ КЕНГАШИ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Олий Мажлисга Мурожаатномасини
ўрганиш ва кенг жамоатчилик
ўртасида тарғиб этишга бағишланган**

**ИЛМИЙ-ОММАБОП
ҚЎЛЛАНМА**

Ушбу ўқув қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилган Мурожаатномада баён қилинган концептуал фикр ва ғоялар, белгилаб берилган мақсад ва вазифалар, ўртага қўйилган долзарб муаммолар, уларнинг мохияти ва аҳамияти атрофлича таҳлил қилинган. 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ва уларнинг натижалари аниқ мисоллар орқали кўрсатиб берилган.

Қўлланмада асосий эътибор Мурожаатномада алоҳида таъкидланган устувор йўналишлар мантикий кетма-кетлик ва изчилликда ёритилиб, уларни кенг жамоатчилик, хусусан, талаба-ёшлар ўртасида тарғиб этишга қаратилган. Шу мақсадда реал фактлар, аналитик материал ва жадваллар, Мурожаатнома ҳақида дунё ҳамжамияти томонидан билдирилган фикр ва эътирофлар келтирилган.

Илмий-оммابоп қўлланма мамлакатимиз таълим тизимида фаоллият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, талаба ва ўқувчи ёшлар ҳамда юртимизда оlib борилётган туб ижтимоий-иқтисодий ислохот жараёнларига қизикалган кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

УЎК: 323(575.1)
КБК: 66.3(5Ў)

Наشر учун масъул ижодий гуруҳ:

*И.У. Мажидов, Б.Ю. Ходиев,
А.Ш. Бекмуродов, Ш.Ш. Мустафақулов*

Тақризчилар:

*О.У. Салимов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги,
техника фанлари доктори, профессор;
Қ.Х. Абдурахмонов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги,
иқтисодий фанлари доктори, профессор.*

М У Н Д А Р И Ж А

Киритиш.....	3
--------------	---

1-боб. 2018 йил – «ҲАҚИҚАТДӨНДӨРЛӨК, ИННОВАЦИОН ҲАҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

1.1. Иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар (<i>Б. Ходиев, Б. Беркинов, М. Асқарова</i>).....	5
1.2. Аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари (<i>Г. Абдурахманова, Н. Шоносупова, Х. Абдураманов</i>).....	7
1.3. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари (<i>Б. Ходиев, И. Хотамов</i>).....	13
1.4. Илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамлар (<i>И. Саифназаров, А. Мўхтаров, Т. Сўлтонов, Ф. Усмонов</i>).....	21
1.5. Ҳаёл ташқи сиёсат туғайли мамлакатимизнинг қалқаро обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда (<i>Б. Алиев, Т. Норов</i>).....	29
1.6. Хорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги эришилган натижалар (<i>Ш. Мустафақлов, И. Хотамов</i>).....	38

2-боб. 2019 йил – «ҲАҚИҚАТ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛЛИ»НИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

2.1. Ҳаёл инвестиция сиёсати – иқтисодиётдаги барқарор ўсish омилли (<i>А. Бекмуродов, Ш. Мустафақлов, Б. Талипова</i>).....	50
2.2. Иқтисодий ўзгаришлардан қўзланган асосий мақсад (<i>У. Фафуров, С. Санторов</i>).....	60
2.3. Инсон омиллига эътибор – келажакка эътибор (<i>И. Саифназаров, А. Мўхтаров, Т. Сўлтонов, Ф. Усмонов</i>).....	64
2.4. Тадбирдорликни янада ривожлантириш – ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг энг самарали йўли (<i>Г. Абдурахманова, Н. Шоносупова, Х. Абдураманов</i>).....	69

3-боб. КЕНГ ҚАМРОВТИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРДАН ҚўЗЛАНГАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ ЙўЛИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

3.1. Макроиқтисодий барқарорликни ва юқори иқтисодий ўсish суръатларини таъминлаш (<i>Ғ. Захидов, Б. Беркинов, М. Қосимова, М. Асқарова</i>).....	75
3.2. Ҳаёл инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш (<i>Д. Хожамқулов, М. Абдуллаев</i>).....	80
3.3. Банк ва молия тизимида ислохотларни жадал давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий қилиш (<i>И. Тоймуҳаммадов, Ф. Насриддинов</i>).....	88
3.4. Солиқ юқини қамлайтириш, соҳа ва барқарор солиқ тизимини қўллаш – янги солиқ концепциясининг асосий ғояси (<i>С. Хўдайқулов</i>).....	94

3.5. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни жадал давом эттириш (<i>У. Гафуров, Л. Раҳмонов</i>).....	106
3.6. Иқтисодийётни бошқаришда давлат аралашувини кескин камаййтириш орқали соғлом рақобат муҳитини яратиш (<i>Н. Урмонов</i>).....	112
3.7. Иқтисодийётимизни жалдон бозорига интеграция қилиш ва экспортни қўллаб-қувватлаш (<i>Д. Хожамқулов</i>).....	122
3.8. Худудларни комплекс ривожлантириш тадбирларини изчил давом эттириш (<i>Н. Хотамов, М. Исаков, М. Абдуллаев</i>).....	130
3.9. Қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат каффиатлигини таъминлаш (<i>У. Улорзаков, А. Саломиддинов, К. Нызаров, С. Мамитов, А. Бобожонов, Р. Халимов</i>).....	142

4-боб. 2019 йИЛДА ИЖТИМОИЙ СОҶАНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР

4.1. Аҳоли ўртасида ишсизликни камаййтириш, одамлар ва oilаларнинг даромадини ошириш (<i>Г. Абдураҳманова, Н. Шойқосинова, Х. Абдураҳманов</i>).....	152
4.2. Пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш (<i>Г. Абдураҳманова, Х. Абдураҳманов</i>).....	158
4.3. Илим-фан, замонавий ва узулқисс таълим тизимини янада такомиллаштириш (<i>Ш. Сафназаров, А. Афхтаров, Т. Султонов, Ф. Усмонов</i>).....	163
4.4. Халқимиз генофондини мустаҳкамлаш мақсадида тиббий хизматлар сифатини яқшиллаш ва кўламини кенгайтириш (<i>С. Гулямов</i>).....	168
4.5. Хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш (<i>Г. Ахунова, Н. Лутфуллоева, М. Ганшова</i>).....	173
4.6. Аҳоли турмуш шaroитини яқшиллаш, уния муносиб турар жой билан таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш (<i>Б. Беркинов, М. Асқарова</i>).....	179
4.7. Жамиятда соғлом турмуш тарини қарор топтириш, jisмоний тарбия ва спортни янада омқалаштириш (<i>А. Ядсаров, Н. Худойбердиева</i>).....	184
4.8. Туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар (<i>М. Амонбоев, С. Халилов</i>).....	188
4.9. Миллий ғоя – биз учун куч-қудрат манбаи (<i>Ш. Сафназаров</i>).....	197

5-боб. ЗАМОНАВИЙ, ОҚИЛОНА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

5.1. Парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар иқросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш (<i>Н. Жўраев</i>).....	204
5.2. Иқро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислохотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий менежмент усулларини кенг қўллаш (<i>Д. Раҳимова, О. Хўсанов</i>).....	211
5.3. Давлат хизматиغا малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сўясатини шакллантириш (<i>Д. Раҳимова, О. Хўсанов</i>).....	213
5.4. Маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқиш ҳамда мустақиллигини янада ошириш (<i>Д. Раҳимова, О. Хўсанов</i>).....	225
5.5. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари учун хизмат қилиш – барча даражадаги раҳбарлар фаолиятининг бош меъзони (<i>Д. Раҳимова, О. Хўсанов</i>).....	230

**6-боб. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ХУКУҚ
СОҶАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ
АСОСИЙ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР**

6.1. Судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш (<i>А. Раҳмонов</i>).....	233
6.2. Халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ишларини янги босқичга кўтариш (<i>Б. Хидоятов, М. Қурбанов</i>).....	240
6.3. Жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича ишларни давом эттириш (<i>Б. Хидоятов, М. Қурбанов</i>).....	243

**7-боб. МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТУРЛИ ТАҲДИДЛАРДАН ХИМОЯ ҚИЛИШ
ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲҚАМЛАШ
БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР**

7.1. Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини ошириш ҳамда ҳар қандай хавф-хатарга қарши донмо шай туриш (<i>Н. Жўраев, Д. Муҳитов, Ғ. Мухитов</i>).....	246
7.2. Экологик хавфсизлик, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш (<i>Ҳ. Ҳўрзоқов, А. Салоҳиддинов, Б. Қаримов</i>).....	253
7.3. Очиқлик, ўзаро тенг ва манфатли ҳамкорликка асосланган ташқи сийосат соҳасидаги фаолиятни давом эттириш ва унинг самарадорлигини янада ошириш (<i>Н. Жўраев, Д. Муҳитов, Ғ. Мухитов</i>).....	258
7.4. Миллатлараро тоғувлик ва диний бағрикенглик – азалий аъёналаримизнинг узвий давоми (<i>Б. Алиев, А. Содиқов, Т. Норов</i>).....	264
Такрорлаш учун саволлар	272
Тест саволлари	276
Глоссарий	288
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	303

3.9. Қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш


Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизни ијатимой-иқтисодий тараққиёт даражаси бўйича ривожланган давлатлар каторига яқинлаштириш соҳасидаги энг муҳим йўналишлар каторида қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ мураккаб масалаларнинг бугунги ҳолати ва барқарор ечимига эришиш бўйича долзарб ваифаларга алоҳида аҳамият қаратилади.

Бу жиҳатдан сувга бўлган ўсиб бораётган талабни мавжуд сув ресурсларининг бошқарувини такомиллаштириш, улардан тежамли фойдаланиш, хусусан сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш асосида ички имкониятларни топиш ҳисобигагина қондириш масалалари давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлаётганлиги ҳам бежиз эмас. Негаки, мазкур масала бугунги кунда умумий фойдаланилаётган сув ресурслари миқдорининг атиги 20% ўз ҳудудида шаклланиб, қолган 80% эса қўшни давлатлар ҳудудидан трансчегаравий дарёлар орқали, қатта харажатлар ҳисобига етказиб бериладиган мамлакатимизда ҳам ўта долзарб ҳисобланади (3.9.1-расм).

Албатта бу соҳадаги долзарб масалаларни ечиш сув хўжалиги йўналишида туб ислохотлар ва изчил ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади. Жумладан, республикамизнинг ўзинга хос табиий-хўжалиқ шароитларида чекланган ер ва сув ресурсларига бўлган талабнинг тобора ортиб бораётганлиги, табиий ва антропоген таъсирлар оқибатида ер ва сув ресурслари сифатининг ёмонлашиб бориши, улардан фойдаланишга нисбатан алоҳида ёндашушни талаб қилади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ ва сув хўжалиқларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича изчил ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш. Мамлакатимизда мазкур соҳаларни ривожлантириш учун уларнинг иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилиб, бу борадаги ишлар ўзининг ијобий натижаларини бермоқда.

Шундай бўлсада, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида узок вақт давомида ҳал этилмасдан келган айрим муаммолар соҳанинг жадал ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш тизимида мавжуд бўлган, жумладан: озик-овқат хавфсизлиги бўйича ваколатли органлар томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳамда аниқ натижаларга эришиш учун жавобгарликнинг сустлиги, қишлоқ хўжалиги, озик-овқат хавфсизлиги ҳамда сув истеъмоли соҳаларида мустақил назорат мавжуд эмаслиги, тармоқларни модернизация қилиш ва техник жиҳозлаш ишларига етарлича эътибор қаратилмаган, инновацион технологиялар ва ишланмаларни жорий қилиш даражаси пастлигича қолаётганлиги, ерлар унумдорли-



3.9.1-расм. Ўзбекистонда ишлатиладиган сув ресурсларининг шаклланиши.

гининг пасайиб кетиши ҳолатлари кузатишмоқда. Ушбу камчиликлар таҳлил қилиниб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда Ўзбекистон Республикасида Мазмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ куйидаги йўналишларда ислохотлар амалга оширишмоқда. Жумладан қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш тизимини ислоқ қилишда ташкилий-ҳуқуқий базани ривожлантириш бўйича янги шароитлар ва ривожланиш максадларини инобатга олувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуаси қабул қилинди ва такомиллаштирилди. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 12 февралда «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5330-сонли Фармон имзоланди. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди.

Хусусан, ушбу фармонга мувофиқ қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, озик-овқат хавфсизлиги соҳасида туб ислохотларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликларининг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгилаб берилди.

Фармонга кўра сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳудудларни ва иқтисодий тармоқларини сув билан барқарор ҳамда оқилона таъминлаш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича чоралар кўриш, ирригация ва мелiorация тизимлари, сув омборлари, насос станциялари ҳамда бошқа сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларининг ишончли фаолият юритишини таъминлаш, сув хўжалигининг йирик ва ўта муҳим объеклари муҳофаза қилинишини ташкил этиш қабилар ҳам ушбу вазирликлар фаолиятларининг устувор йўналишлари бўлиб ҳисобланади. Айни пайтда сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш учун сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув истеъмолчиларининг масъулиятини ошириш ва маданиятини юксалтириш, сув хўжалиги соҳасида фан ва техника ютуқлари, замонавий сув тежовчи технологиялар, илғор тажрибалар, инновацион услубларни жорий қилиш, сув хўжалиги соҳасида мутахассислар малакасини ошириш тизимини ташкил этиш, сув хўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий муассасалар ўртасидаги интеграцияни кучайтириш Сув хўжалиги вазирлиги тизимининг долзарб вазифалари ҳисобланади. Шу билан бирга, фан ютуқларини амалиётга жорий этиш чораларини кўриш ҳамда трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, хорижий инвестициялар ва техник кўмак маблағларини (грантлар) жалб қилиш, сув хўжалиги соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиш Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифа ва фаолияти йўналишлари этиб белгиланди.

Мазкур фармонни ижросини таъминлаш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сонли Фармони ва ПК-3672-сонли, 2018 йил 29 ноябрдаги ПК-40-39-сонли, 2018 йил 27 декабрдаги 4087-сонли қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Буларнинг барчаси ўз навбатида:

– сув ресурсларини бошқаришнинг гидрографик-хавзавий тамойилини сақлаб қолган тарзда, сув ресурсларидан фойдаланишни мазмурий-худудий тамойил асоси-

да такомиллаштириш сув ресурслари исрофини кескин камайтириш имкониятларини яратди;


- сув ресурсларини бошқариш бўйича давлат ваколат ва мажбуриятларининг бир қисmini куйи бўғиндаги жамоат ташкилотлари – сув истеъмолчилари уюшмаларига бериш асосида куйи босқичда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этишга, кишлоқ хўжалиги экин майдонларида сув ресурсларидан тежамли ва мақсадли фойдаланиш даражасини яхшилашга эришилди;

- кишлоқ хўжалиги экин майдонларини диверсификация қилиш асосида сув талаб қилувчи экинлар салмоғини камайтириб, уларнинг ўрнига кам сув талаб қилувчи юқори рентабелли экинлар салмоғини ошириш натижасида сувдан фойдаланиш самардорлигини оширишга эришилди. Хусусан, сувни кўп талаб қиладиган пахта майдонлари 2,0 млн. гектардан 1 млн. 200 минг гектарга, шולי майдонлари эса 180 минг гектардан 40 минг гектаргача қисқартирилиб, улар ўрнига кам сув талаб қиладиган кишлоқ хўжалиги экинлари ғалла, сабзавот, полиз, мевали боғлар ва узумзорлар кўпайтирилди (3.9.2-расм);

- сув хўжалиги иншоотларининг фойдали иш коэффицентларини ошириш борасида сўнгги 5 йилда 25 минг км. магистрал ва хўжаликлараро каналлар, 2464 та гидротехник иншоотлар ва гидростлар таъмирланди. 13721 насос агрегатлари ва 6900 дан ортиқ суғориш қудуқларида реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилди. Ҳар йили ўртача 5,0 минг км. узунликда каналлар, 100 минг км. дан зиёд ички суғориш тармоқлари, 10 минг донага яқин гидротехник иншоотлар, 3 минг дона насос агрегатлари, суғориш қудуқларида таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Натижада каналларнинг фойдали иш коэффицентини 20 фоизгача оширишга эришилмоқда;

- сувнинг каътий ҳисоб-китобини юритиш учун ҳар бир истеъмолчининг сув олиш жойлари сув ўлчаш восита ва иншоотлари билан жиҳозланиши, сув олувчи ва етказиб берувчи ўртасидаги ажратилган лимит доирасида тузилган шартноманинг юритилиши ҳамда унинг бажарилишини таъминланиши сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш самардорлигини сезиларли даражада оширди;

- сув хўжалиги иншоотларининг ишончли фаолиятини таъминлашга йўналтирилган инвестицияларни амалга оширилиши. Кишлоқ хўжалиги экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида ҳар йили давлат бюджетидан 2 триллион сўмдан ортиқ, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 400 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилмоқда. 2008–2017 йиллар мобайнида давлат бюджетидан 2 172,8 км. ирригация тизимлари, 368,8 км. лотокли суғориш тармоқлари, 347 дона



3.9.2-расм. Экин майдонларини диверсификация қилиш натижалари.

гидротехник иншоотлар, шунингдек, 83,7 куб м/сек. умумий сув узатиш ҳажмига эга бўлган насос станциялари, умумий ҳажми 1 581,3 млн. куб/м. бўлган сув омборлари ва бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш учун 3,2 трлн. сўмдан ортик маблағ ажратилди, бунинг натижасида 1,7 млн. гектардан ортик суғориладиган майдонларнинг сув таъминоти яхшилашга эришилди. Ушбу давр ичида мелiorация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига 2,5 трлн. сўм ажратилиб, 2,5 млн. гектар суғориладиган майдонларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланишига, ер ости сувларининг барқарорлиги таъминланишига ва меъёрда ушлаб турилишига эришилди. Бундан ташқари, соҳанинг муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда давлат томонидан чет эл инвестицияларини ҳам жалб этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги 20 йил давомида халқаро молиявий институтлар ҳисобидан соҳага, жумладан ирригация ва мелiorация тизимларини қайта тиклаш, насос станциялари ва сув ҳўжалиги объектларини реабилитация қилиш мақсадларига 2,5 млрд. АҚШ доллари ҳажмида инвестициялар йўналтирилган.

Сувдан фойдаланишни самарали ташкил қилиш тадбирларини амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз миқёсида йиллик фойдаланилаётган сувларнинг умумий миқдори мустақилликдан аввалги даврдаги 64 млрд. км³ дан ўртача 51 млрд. км³ гача ёки қарийб 20 фоизга камайтирилишига эришилди (3.9.3-расм).

Сув ҳўжалиги соҳасидаги ўзгаришларнинг бундай кўлами ва инвестицияларни жалб қилиш даражаси миқтакамиздаги бошқа мамлакатларнинг ҳеч бирида кузатилмайд.

Ихтисодиётнинг барча соҳалари, шу жумладан сув ҳўжалиги соҳасида олиб борилаётган изчил ўзгаришлар натижасида аҳвол муайян даражада ўзгармоқда. Шунга қарамай, ихтисодиётнинг баъзи тармоқлари каби ичимлик сув таъминоти ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сув етказиб бериш тизимларининг техник таъминотини яхшилаш ва сувга бўлган муносабатни ўзгартириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин.

Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун илгор технологияларни жорий этиш. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Дехкон ҳўжалиги тўғрисида»ги қонунлари, Президентимизнинг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон «Фермер, дехкон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 10 октябрдаги ПК-3318-сон «Фермер, дехкон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тад-



3.9.3-расм. Ўзбекистонда ишлатилаётган сувлар миқдорининг ўзгариши.

бирлар тўғрисида»ги Қарори бутунги кунда ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Аммо, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланмаслик, уларни тармоқ ичида ва тармоқлараро тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг самарасизлиги, ерларни ноқишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун иқтисодий ва технологик асосланмасдан бериб юборилиши ва энг ачинарлиси, ерлар унумдорлигининг пасайиши долатлари кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам, мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ислох қилиш ва модернизациялаш шароитида ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш ва унинг механизмларини такомиллаштириш нафақат қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, фермер, деҳқон хўжалиги ва томорка ерларидан самарали фойдаланиш, балки маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, республикамиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш борасидаги энг муҳим устувор вазифалардан бирига айланмоқда.

Соҳага замонавий технологияларни жорий этиш асосида юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни амалга ошириш учун соҳани юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш ва улар малакасини доимий равишда ошириб борилишини таъминлаш;

- экин ерларининг унумдорлигини тиклаш ва қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш;

- суғориладиган ерларнинг чўлланиш, эрозия, шўрланиш, туپроқ унумдор қатламнинг ўта ночор қолга келиши, гумус ва озиқа моддалари миқдорининг камайиши, ҳайдалма ва ҳайдов ости қатламларининг эгиланиши ҳамда технологик ифлосланиш жараёнларининг олдини олишга йўналтирилган мажмуавий масалаларни мунтазам равишда ҳал этиб бориш.

Сув тақчиллиги Ўзбекистон шароитида мамлакат барқарор тараққиётини, шу жумладан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги энг муҳим муаммолардан биридир. Сув тежамкорлиги бутунги кунда йўл қўйилаётган турли даражадаги ташкилий (сув ресурсларини бошқаришни барқарорлаштириш ва усулларини такомиллаштириш асосида), техник (сув хўжалиги тизимлари ва иншоотларини модернизациялаш асосида), технологик (сувдан фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш ва сувга бўлган муносабатни яхшилаш асосида) ва бехуда сув йўқотишларини бартараф этиш ҳисобига сув таъминоти имкониятларини оширади. Яқин келажакда ўсиб бораётган сувга талабларни қондиришнинг асосий йўли - сув ресурслари бошқарувини такомиллаштириш, улардан фойдаланишни оқилоналаштириш ва ички захираларни топиш, сув тежамкорлигига эришишдир.

Минтақада аҳолиси сони ва суғориладиган ерлари майдони бўйича энг катта мамлакат ҳисобланган Ўзбекистон сув билан таъминланганлик жиҳатидан таъсирчан ҳисобланади. Республика бўйича фойдаланиладиган умумий сув ресурсларининг тахминан 96 % Амударё, Сирдарё ва ички кичик дарё ҳамда сойлар ўзанларидан олинadиган ер усти сувлари, 1 %га яқини ер ости сувлари ва 3 % коллектор-дренаж сувлари ҳисобига тўғри келади. Бу сувларнинг атиги 20 % республика ҳудудида шаклланади, қолган 80 % трансгегаравий дарёлар хавзаларида қўшни мамлакатлар ҳудудида шаклланади. Сув тежамкорлиги – барқарор сув таъминотининг муҳим манбаси ҳисобланади. Демак сувдан фойдаланишнинг барча йўналишлари ва барча даражаларда, қайси соҳа

ва қайси мақсадда сувдан фойдаланишидан қатъий назар, шу жумладан энг йирик сув истеъмолчиси бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаси сув тежамкорлигининг асосий объекти бўлиши лозим.

Ўзбекистон индустриал-аграр мамлакат бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳаси мамлакат яши ички маҳсулотининг 17 %ини ишлаб чиқаради ва меҳнатга яроқли аҳолининг 34 %ни иш билан таъминлайди. Бугун 16 миллиондан ортиқ қишлоқ аҳолисининг даромадлари қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 % суғорма дехқончилик ҳисобига тўғри келади. Бутунги кунда Ўзбекистонда суғориладиган ерлар майдони 4,3 млн.га бўлиб, уларнинг 55 % (2,3 млн.га) насослар ёрдамида сув билан таъминланади. Бу эса суғориш сувининг таннархини янада оширади. Мавжуд шароитларда фермер, дехқон хўжалиги ва томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, республикамиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш энг муҳим устувор вазифалардан бирига айланмоқда.


Давлатимиз раҳбари Муурожаатномасида сувдан фойдаланиш принципларини қайта кўриб чиқиш, мақбур шароитларга мос ва мақбул тадбирларни топиш, табиий ресурслардан фойдаланишда эскириб қолган қарашлардан воз кечиш бўйича жамиятда кечаётган ўзгаришларга алоҳида урғу берди.

Ўзбекистон шароитида кам суви йиллар турли сабабларга кўра тез-тез кузатишмоқда. Бундай вазиятда бизнинг фикримизча Ўзбекистон шароитида сув тежамкорлиги муаммони ҳал этишнинг асосий ва реал йўлларида энг мақбули ҳисобланади ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг жорий этиш сувдан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишларидан бирдир.


Сўнгги 5 йил давомида мамлакатимизда сувни тежовчи суғориш технологияларидан томчилатиб суғориш тизимлари – 43 минг га, кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш – 215 минг га, ёмғирлатиб суғориш – 150 га, эгатларга плёнка тўшаб суғориш – 61 минг га майдонга жорий этилди (3.9.4-расм).

Шуниси эътиборлики, бу технологияларни жорий қилиш суръатлари охириги йилда йилда сезиларли даражада ортди. Жумладан томчилатиб суғориш тизимларини жорий қилиш йиллик кўрсаткичлари 2017 йилда 2013 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан қарийб 6 марта ортган (3.9.5-расм).

«2018–2019 йилларга мўлжалланган ирригацияни ривожлантириш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш комплекс



3.9.4-расм. Сув тежовчи суғориш технологияларининг мамлакат миқёсида тадбиқ қилинган умумий экин майдонлари.




3.9.5-расм. Томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган экин майдонларининг йиллик ўсиш суръатлари.

чоралари дастурига мувофиқ» 2019 йилда республика бўйича 73,7 минг га майдондаги боғ ва узумзорларда ҳамда 12,5 минг га ғўза экилган майдонларда томчилатиб суғориш тизими ва бошқа сув тежамкор суғориш технологияларини жорий этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ-4087-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш учун пахта хом ашёси экиладиган майдоннинг ҳар бир гектарига 8 млн. сўм субсидия тақдим этилади. Ўзбекистон Республикаси Ва зирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш тизимларини қуриш, реконструкция қилиш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасидан бир гектарга 20 млн. сўмдан ошмайдиган қисмининг 10 фоизли пункти миқдоридан қопланади. Бюджет маблағларини олувчилар билан тузиладиган импорт шартномаларини экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш талаби пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчилари томонидан томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича ишлар доирасида тузиладиган импорт шартномаларига татбиқ этилмайди. Пахта хом ашёсининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари, шунингдек томчилатиб суғориш тизими ишлаб чиқарувчилари томонидан олиб қирилган, томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш учун зарур бўлган бутловчи қисмлар ва хом ашё 2021 йилнинг 1 январига қадар боғхона бўлини тўлашдан озод этилади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. Ўзбекистон Республикасининг кишлоқ хўжалиги соҳаси мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш таркиби ўзгартирилмоқда. Мустақиллик давригача аҳоли эҳтиёжлари учун зарур халқ истеъмол буюмлари ва айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари четдан олиб келинар эди. Жумладан, 1990 йилда республикада аҳолиси эҳтиёжи учун зурур бўлган доннинг 82 %, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 %, сут ва сут маҳсулотларининг 60 %, картошканинг 50 %, шakar ва қуруқ сутнинг ҳаммаси бошқа республикалардан келтирилган. Мустақиллик йилларида бундай ачинарли ҳолатга барҳам бериш мақсадида кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг таркиби ўзгартирил-



3.9.6-расм. Фермер хўжалиқлари ер майдонларини ўзгартириш.

ди. Асосий эътибор қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишларига қаратилди.

Ғўза экин майдонлари қисқартирилиб, бу майдонлар ҳисобига сабзавот, полиз, боғ ва узумзорлар майдони кенгайтирилди. Шу билан бирга, фермер хўжалиқларининг ер майдонларини аввал фойдаланилмай ётган лалми ерлар ҳисобига кўпайтириш ишлари амалга оширилди. (3.9.6-расм).

Амалга оширилган ишларнинг натижасида бугун юртимизда аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган тиббий меъёрларга нисбатан 2-3 мартаба кўп микдорда мева, сабзавот, узум етиштирилмоқда.

Шу билан бирга, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда жиддий муаммолар мавжудлигини кўриш мумкин. Шу сабабли 2017 ва 2018 йилларда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустақкамлаш юзасидан, айниқса чорвачилик соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришнинг стратегик масалаларини илҳомий ечиш мақсадида соҳани етук мутахассислар билан таъминлашнинг ўрни катта аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти неғизда Самарқанд зоветеринария институти ташкил этилди.

3.9.1 - жа д а л

Республикада аҳоли жан бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси, кг.

Маҳсулотлар тури	2000 йил	2010 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил
Дон	158,4	254,4	259,5	257,4	223,6
Картошка	25,5	58,2	85,6	92,2	83,7
Сабзавот	106,6	218,1	321,5	351,3	313,5
Полиз	18,2	40,6	58,8	63,7	62,3
Мева	31,9	58,8	87,2	94,8	80,2
Уғун	25,2	33,9	50,1	54,1	49,9
Гўшт тарих вазида	36,7	50,2	64,5	67,7	70,1
Сут	146,5	211,9	286,6	302,2	308,2
Тухум, млн. дона	50	105	176	192	194
Балиқ етиштириш	-	-	1,9	2,03	2,6

Юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик йўналишларидан бири балиқчилик тармоғини ривожлантириш ҳисобланиб, Президентимизнинг 2018 йил 6 апрелда «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан «Ўзбекбалиқсаноат» уюشمаси ташкил этилди ва 2018-2023 йилларда балиқчилик соҳасини жадал инновацион ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятида мамлакат аграр соҳасида мавжуд барча имкониятларни ишга тушириш сиёсати ётибди. Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асаларичилик соҳасини ривожлантириш ҳам муҳим омиллардан ҳисобланишини инобатга олиб, Президентимизнинг 2017 йил 16 октябрдаги «Республикада асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3327-сон қарори билан «Ўзбекистон асаларичилари» уюشمаси ташкил этилди. Асал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 2017 йилдаги 15,4 минг тоннадан 2021 йилга бориб 23,7 минг тоннага етказиш чоралари белгиланди.

2018 йилнинг 23 мартда қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш масалаларига оид йўғилишда Президентимиз томорка ерлари озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда қатта имкониятга эга эканлигини таъкидлаб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Томорка хизмати» ни ташкил этиш топширигини берди. Албатта «Томорка хизмати» корхонаси юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кескин қўпайтиришга хизмат қилади.

2018 йилнинг 16–18 май кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг 31-сессиясида Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам иштирок этди. Унда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти Бош директори Жозе Грациану да Сирва иштирок этиб, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида Президентимиз томонидан амалга оширилаётган изчил ислохотларга юқори баҳо берди ва бу борадаги ишларни қўллаб-қувватлашга доимо тайёр эканлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги мустаҳкамлаш мақсадида 2018 йилдан бошлаб мева-сабзавот маҳсулотларига буюртма бериш ва давлат эҳтиёжлари учун хариди йўлга қўйилиши соҳани жадал ва барқарор ривожлантиришнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилади. Бу тартиб бир томондан мева-сабзавот ишлаб чиқарувчиларга етиштирилган маҳсулотни кафолатли сотиш имконини берса, иккинчи томондан озиқ-овқат саноати корхоналарини хом ашё билан таъминлашни имкониятини кенгайтиради.

Олиб борилаётган ислохотлар натижасида биргина 2018 йилнинг ўзида Ўзбекистон мева, сабзавотлари 54 та давлатга экспорт қилинди ва Бангладеш, Филиппин, Сурия, Иордания ва Македония каби давлатларнинг янги бозорларига кириб борди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январда имзоланган «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5303-сон Фармони билан бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, маъмур соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш бўйича айрим хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этилган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар ҳамда преференциялар 2018 йилнинг 1 февралдан бекор қилинди.

Мазкур конда бозор муносабатлари талабига мос конда бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилувчи тадбиркорлик субъектларига тенг имкониятлар яратали, соҳада соғлом рақобат муҳитини юзага келтиради. Давлат-хусусий шерикчилик асосида ихтисослаштирилган омборхоналар, музлатиш камералари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоклаш бўйича замонавий юқори технологик ускуналар ўрнатилди. Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашда иссиқхоналарни ривожлантириш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Иссиқхоналар йил давомида 3–4 марта ҳосил олиш имконига эга. Сув тежамкорлиги юқори, иссиқхоналар табиат инжиқликларидан деярли тўлиқ ҳимояланган. Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда «Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар» ва «Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар» уюшмалари ташкил этилганлиги муҳим аҳамиятга эга. 2018–2021 йилларда 28801 тонна лимон етиштирилиши ва 21695 тонна лимон экспорт қилиниши белгилаб қўйилди.

Юқоридагилар асосида алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимиз раҳбарлигида қишлоқ хўжалигини бошқарув тизимини ислоқ қилиш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини беради, албатта.

